

ЗАМОНАВИЙ ТАРИХ ФАЛСАФАСИ ВА УНДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎРНИ

Азамат Одил ўғли Амиров

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

(PhD) таянч докторанти

amirovazamat539@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Замонавий тарих фалсафаси Ўзбекистоннинг XX аср сўнгти ва XXI аср бошларидағи тарихий вақт чегарасидаги давр билан белгиланади. Чунки замонавий тарих фалсафасининг парадигмал қонунияти бир мамлакат чегарасинигина эмас, ҳудуд ва инсоният доирасини қамрам олади. Шунингдек глобаллашув даврида тарих фалсафаси қонунияти бутун дунё иқтисодий, маданий, диний, ижтимоий хусусиятларини интеграллаштиради.

Калит сўзлар: сиёсат, жамият, давлат, фалсафа, стратегия, модернизация.

PHILOSOPHY OF MODERN HISTORY AND THE PLACE OF UZBEKISTAN IN IT

Azamat Odil ogli Amirov

Doctoral student (PhD) of National University of Uzbekistan

named after Mirzo Ulugbek

amirovazamat539@gmail.com

ABSTRACT

The philosophy of modern history is determined by the period of historical boundaries of Uzbekistan in the late twentieth and early twenty-first centuries, because the paradigmatic law of the philosophy of modern history encompasses not only the borders of one country, but also the territory and humanity. Also, in the era of globalization, the laws of the philosophy of history integrate the economic, cultural, religious, social features of the whole world.

Keywords: politics, society, state, philosophy, strategy, modernization.

КИРИШ

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлибки кунларидан Ҳаракатлар стратегияси сиёсатигача жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга

қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Ислоҳотлар тадрижий амалга ошди, шунингдек уларнинг амалиётга жорий қилинишидаги жараёнда камчиликлар, ижтимоий муаммолар ва янада чуқур ўйлаб амалга оширилиши зарур бўлган томонлар кўрини бошланли. Чунки юртимизнинг совет давридан кейинги мустақил сиёсати жаҳон тараққиётидаги глобал муаммолар, стратегик сиёсий ўйинларнинг Маразий Осиё билан боғлиқ жиҳатлари дин омилининг кескинлашуви, иқтисодий бухроннинг айрим мамлакатларга таъсир қилувчи хусусиятлари қуршовида қолди.

Ўтган асрнинг охирги ўн йилида содир бўлган сиёсий ўзгаришлар дастлаб Марказий Осиё давлатлари фонида миллий истиқлол сиёсатини тарихий, иқтисодий, сиёсий ва маданий илдизларини тиклаш билан шаклана бошлади. Ўзбек моделининг сиёсий контексти тарихий хотира ва миллий ғояга асосланган ижтимоий сиёсатни белгилаб берди. Ҳаракатлар стратегияси даврида эса мамлакатни иқтисодий сиёсий ва маънавий жиҳатдан модернизациялаш жараёни кузатилди. Ҳолбуки модернизация Ўзбек моделининг амалга ошиш жараёнида ҳам мавжуд эди. Негаки, сиёсий мустақилликка эга бўлган мамлакат табиий равишда давлат соҳалари ривожида у ёки бу модернизацион ёндошувга эҳтиёж сезади.

Ўзбекистонда мустақиллик ва Ҳаракатлар стратегияси даврида кечган тарихни ўрганишга қаратилган кўпгина тадқиқотларда кўпроқ узоқ тарихга мурожаат қилиш тенденцияси устунлик қиласиди. Ўзбекистонда модернизация жараёнларини ўрганган ёш тадқиқотчи Т.Хожиевнинг диссертация ишида “Марказий Осиё халқлари, хусусан, Ўзбекистонда амалга оширилган модернизация жараёнларининг бошланғич нуқтасини белгилашда Ўрта асрларга мурожаат қилинган ишларни ҳам учратиш мумкин”, -деган талқин учрайди. Бу тарих фалсафасида рўй бераётган яхлит ўргаришларни мулоҳаза қилишда регионал, хусусан юртимиздаги гаманитар фанларда юртимиз замонавий тарихини ўтмиш конуниятлари орқали мушоҳада қилиш характери кучлилигини кўрсатади. Дарҳақиқат аксарият ижтимоий-гуманитар соҳада яратилган илмий тадқиқот ишларида Ўзбекистоннинг янги тарихи талқини энг аввало комплекс равишида Илк ўрта асрлар ва Ўрта асрлар Уйғониш даври билан боғланади. Бу эса ижтимоий фикр конунияти сифатида 2020 йил юртимиз президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан Ўзбекистоннинг янги тарихини Учинчи Ренессанс даврига тайёргарлик сифатида эълон қилишига сабаб бўлди. “Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. ..Тарихга назар солсак, Буюк ипак йўлининг

чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини кўрамиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлёзмалар, турли осори атиқалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларидан далолат беради”, дейди Шавкат Мирзиёев. Ушбу маърузада янги даврга асос солинаётгани ва унинг тарихий пойдевори Аристотель мактабининг Шарқ перипатетизми орқали қайта уйғонгани ва “илм машъаласи тўққизинчи – ўн иккинчи асрларда Марказий Осиё ҳудудида қайта порлаши” тарихий омили билан боғланади. Шарқ Уйғониш даврининг биринчи босқичида юртимиз ҳудудида биринчи Ренессанс машғур даҳолар, хусусан, Муҳаммад Ҳоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий сингари ўнлаб буюк алломаларни етиштириб берди ва уларнинг жаҳоншумул илмий-ижодий қашфиётлари ҳозирга қадар умумбашарият тараққиёти ривожига бекиёс таъсир кўрсатиб келмоқда. Шунингдек мазкур давр “Ислом маданиятининг олтин асли” деб эътироф этилувчи тарихий феномен билан ҳҳам характерлидир. Ислом оламида Ўзбекистонни мақомини юқори ўринга қўйган алломалар - Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий каби улуг уламолар юртимизда дин билан боғлиқ маънавий, маданий, маърифий тараққиётни таъминлаб бердилар.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Марказий Осий иккинчи уйғониш даври Соҳибқирон Амир Темур асос солган ва Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар гуманизми билан йўғрилган Шарқ адабиёти замирида вужудга келган иккинчи Уйғониш, яъни XIV-XV аср Ренессанс даври билан белгиланади. Бу давр Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саккокий, Ҳофиз Ҳоразмий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби алломалар ва шоиру мутафаккирлар ижодининг ижтимоий воқеълиқда акс этиши билан белгиланада. Трихнавислик соҳасида Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, санъат йўналишида Маҳмуд Музахҳиб, Камолиддин Беҳзод сингари мусаввирлар, хаттотлик ва мусиқашунослик мактаблари намуналари дунёда эътироф этилган. Кўриниб турибдики Учинчи ренессанснинг утмиш илдизи, тарих фалсафаси ҳақиқатини мушоҳада этишда Ўзбекистон ижтимоий тафаккур тараққиётида ўзини тарихий хотира орқали англаш хусусияти устуворлик қилмоқда ва ижтимоий онгда тарих қонуниятларидағи ворисийлигига эътибор қаратилмоқда. Рус тарихчиси

Ю.И.Семёнов фикрича тарихнинг цикллилиги назарияси антик фалсафада ҳам мавжуд бўлган. Антик фалсафада цикллилик тушунчаси кўпроқ космос қонуниятларига ишора бўлса ҳам, бу қарашлар замонавий тарих фалсафасида ҳам ўз актуаллигини йўқотмади.

Ўзбекистоннинг тарих фалсафаси билан боғлиқ замонавий даврини таҳлил қилишда ушбу олимнинг жаҳон тарихининг глабал бочқичи концепциясиги таяниш мумкин. Ю.И.Семёнов собиқ иттифоқ даврида ҳам глобал тараққиёт масалалари билан шуғулланган ва тоталитар тузумнинг келажагига доир ҳаққоний башоратлари билан ажралиб турган. Ю.И. Семёнов тарих фалсафасида шаклланиш назариясини ишлаб чиқди ва жаҳон тарихининг глобал босқичи - эстафета-стадиаль босқичи концепциясини яратди. 1970 йилдан 1980 йилгача бўлган даврда у бир нечта асарларини нашр этди, унда бир қатор ижтимоий-иқтисодий шаклланишларнинг ўзгаришини эстафетали ривожланиш маъносида талқин қилиб берган. Семёновнинг концепциясига кўра, ҳеч бир жамият Совет тарихий илм-фани талаб қилган барча шаклланишлардан ўтиши шарт эмас. Ўзига хос қонуниятлар ва экспансион аралашувлар орқали пайдо бўлган жамиятлар инсоният тарихи магистралига кириб, илгари устун бўлган социалистик жамиятлар тўхтаган жойдан ҳаракатлана бошлайдилар. Ижтимоий-иқтисодий шаклланишларнинг ўзгаришини бундай талқин қилишни тарихнинг глобал-формацион, кенгроқ маънода эса глобал босқичда тушуниш деб аташ мумкин. Семёновнинг қўплаб асарларида ва "Антик даврдан то ҳозирги кунгacha бўлган тарих фалсафаси: умумий назария, асосий муаммолар, ғоялар ва тушунчалар"[1] китобида айнан жаҳон тарихини янгича англаш акс этган. Бундай тушунча нафақат "вертикал", диахроник боғланишларни, балки айрим ижтимоий тарихий организмларнинг ривожланишининг турли босқичлари ўртасидаги алоқаларни, "горизонтал", синхрон боғланишларни, яъни бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган алоқаларни ҳисобга олишни мутлақо зарур қилди. Ю.И.Семёнов дунё тарихий жараёнининг глобал шаклланиш тушунчасини конкретлаштирадиган концепцияларнинг бутун тизимини ишлаб чиқди ва муомалага киритди: ижтимоий ўзаро таъсир, социологик индукция, тарихий оламлар, тарихий марказ (жаҳон тарихий тизими) ва тарихий периферия, устун ва паст ижтимоий-тарихий организмлар, супериндукция ва интраиндукция, супериоризация, латерализация, ижтимоий-иқтисодий пароформация, ултрасупериоризация, тарихий уя, тарихий майдон, марказий дунё тарихий макони, тарихий зона ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўзбек халқи тарихида охирги икки аср миллат омили билан боғлиқ. Бу Ю.И Семёновнинг тарих фалсафаси концепциясининг миллат ҳақидаги

қарашлари билан таҳлил қилганда, ўзбек халқи кўпроқ сиёсий нуқтаи назардан тарих фалсафаси омилига айланади. Чунки Семёновга кўра “хозирги замонга нисбатан ишлатилган “халқ” сўзи этносни англатмайди, балки умумий маданият ва тилга эга бўлган демосоциал организмлар конгломератини англатади”. Олим фикрича миллат этник жамият шаклларидан биригина эмас, битта миллатга мансуб шахсларни маданият, тил ва этник ўзига хослик, этник гурӯҳ аъзолари сифатидаги ҳолат эмас, балки умумий ватан бирлиги бирлаштиради. Миллат этник ҳодиса эмас, авваламбор сиёсий ҳодисадир. Миллат кўпинча хато идентификацияланадиган этносдан фарқли ўлароқ, сиёсий ҳаётнинг ҳодисасидир, у миллий ҳаракатларда ўз ифодасини топади. Миллий бирлик бўлмаган ғоя, миллий қаҳрамонларсиз миллат йўқ, миллат фақат битта ватанинни яратиш ёки унинг мустақиллиги учун курашда шаклланиши мумкин эди [2].

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида миллий ўзликни англаш, миллий идентификация жараёнларини кучайтиришда миллий бирликни шакллантирувчи тарихий онг мавзусига зарурат мавжуд эди. Бунда ўзбек халқи тарихи Шарқ цивилизацияси тарихи билан узвий боғланиб, унинг тадрижий ривожида 19 аср охири ва 20 аср бошларида шаклланиб кенг тарқалган маърифатпарварлик оқими ва жадидчилик таълимотига эътибор қаратилади. Жадидчилик ҳаракати вакиллари томонидан илгари сурилган ғоялар ва амалга оширган ишлар қай даражада миллат омилини кучайтириб берди? Жадидчиликнинг ислоҳотчилик ҳаракатларида миллат омили орқали инсон омилини ташкил этиш, аниқроғи таълим, фан ва маданият миллий давлат контекстида янгилаш ғояси устуворлик қилган. Бу улкан ислоҳотчилик ҳаракати Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи қадамларида ҳам орадан деярли бир аср ўтиб ҳам ўз натижасини бера бошлади. Хусусан А.Фитратнинг “Ислоҳоти Бухоро”, “Раҳбари нажот”, “Шарқ сиёсати”, “Туркистонда руслар” номли асарлари том маънода янги жамият ва янги инсонни яратиш мақсадига хизат қилувчи мамлакат модернизациясини амалга оширишга қаратилган стратегик лойиҳа сифатида баҳолаш мумкин. Аммо объектив ижтимоий сиёсий тўсиқлар туфайли жадидчилар томонидан бошланган Туркистонда миллий давлатчиликни яратишга қаратилган улкан ислоҳотчилик ҳаракати тугалланмай қолди.

Ўзбекистон республикаси деярли бир аср совет иттифоқининг ҳом-ашё базаси, аграр зона сифатида таъминотчи ҳудуд вазифасини ўтади. Иттифоқ даврда бунёд этилган магистрал йўллар, ишлаб чиқариш тизими, заҳира омборлари ва бошқа кўплаб инфраструктура объектлари қизил империя

иқтисодиёти учун яратилган қулайликлар эди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Биринчи Президент И.Каримов томондан билдирилган фикрларда республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Иттифоқдаги ўртacha даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охирги ўринлардан бирида тургани қайд этилади: “Биз бу рақамларни илгари ҳам неча марталаб айтганмиз, аммо бугун уларни яна бир бор идрок этмоқ керак. Ўзбекистон ҳар киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда турибди, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткич эса Иттифоқдаги ўртacha даражадан икки ҳисса паст. Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан республика мамлакатдан 40 фоиз, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки баробар орқада қолмоқда. Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман мамлакат аҳолисига нисбатан икки баро-бар кам истеъмол қилмоқда. Ойига ўрта ҳисобда 5 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамиизда 45 фоизга боради. Бир миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмаяпти.

Шунинг учун ҳам мустақил тараққиётининг дастлабки йилларида, 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда улкан ўзгаришларни амалга оширишда асосий эътибор марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлиқ тизимиға барҳам бериш ва бозор иқтисодиётининг асосларини, авваламбор, қонунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратишга қаратилди.

Юртимиз тарихида тараққиётнинг “Ўзбек модели” қабул қилиниши асосида давлат қурилишининг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва ташкилий асослари йўлга қўйилиши, хусусий мулкчиликнинг шаклланиши, узлуксиз таълим тизимининг ишлаб чиқилиши ҳамда жорий этилиши, ер ислохотларининг амалга оширилиши тадрижий равишда амалга оширилди. Бундан ташқари миллий қонунчилик тизимининг ишлаб чиқилди, банк-молия тизимининг яратилди, ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг йўлга қўйилди. Тизимли вужудга келган ўзгаришлар сифатида 1)иқтисодиётни мафкурадан холи килиш; 2)қонун устуворлигини таъминлаш; 3) давлатнинг бош ислоҳотчи сифатидаги бошқарувчилик ролини тан олиш, 4)мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёsat юритиш; 5)сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойилларидан иборат тараққиётнинг “Ўзбек модели” муҳим стратегик аҳамият касб этди.

Замонавий давр тарих фалсафаси қонуниятида Ўзбекистонда рўй берган ўзгаришларда циклилилк ва тадрижийлик тамойиллари етакчилик қилганини кўриш мумкин. Ўзбекистондаги модернизация жараёнлари тадқиқотида мустақиллик йилларида республикамизда қабул қилинган маҳсус стратегик тараққиёт дастурларини З даврга ажратиш мумкин. Биринчи, Тараққиётнинг “Ўзбек модели” қабул қилиниши билан боғлиқ биринчи давр босқичи. Бу даврда асосан миллий давлатчилик тузилмалари, қонунчилик, миллий ўзликнинг англанилиши, мустамлакачилик асоратларининг бартараф қилиниши, янгича иқтисодий-молиявий тузилмаларнинг ташкил топиши каби қатор хусусиятлар билан тавсифланади.

Иккинчи, “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг қабул қилиниши билан боғлиқ иккинчи давр босқичи. Бу босқичда давлат бошқаруви, қонунчилик, ахборот соҳаси, иқтисодиётни либераллаштириш, сайлов тизими, нодавлат нотижорт ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш кабилар билан боғлиқ мамлакатимизни модернизациялашга қаратилган қатор ташкилий институционал-хуқуқий туб ислоҳотлар амалга оширилди. Биринчи даврда давлатчилик асослари шакллантирилган бўлса, иккинчи даврда демократик фуқаролик жамияти тузилмаларини такомиллаштириш билан боғлиқ фундаментал ғоялар илгари сурилиб, амалга оширилди.

Учинчи, “Ҳаракатлар стратегияси” қабул қилиниши билан боғлиқ учинчи давр босқичи. Бу босқичда республикамизда кечаётган модернизация жараёнларида мамлакат ҳудудидаги реал муаммоларни ҳисобга олган ҳолда умумжаҳон стандартлари даражасидаги ислоҳотлар даврига қадам қўйилди. Айниқса, бу даврда республикамиз модернизация моделида инновацион моделнинг таъсири ошиди. Бундан ташқари жадаллашган моденизациянинг муҳим шартларидан бўлган мамлакатнинг яқин ва узоқ қўшниларга очиқлиги хусусияти рўёбга чиқа бошлади. Кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг янги давр сиёсатида замонавий тарих фалсафасини шакллантирувчи сиёsat постмодернизм ва уни ташкил қилувчи модернизация тизими сифатида намоён бўлмоқда. Чунки модернизация - бу анъанавий жамиятдан - замонавийлик жамиятига ўтиш макропроцесси.

Эволюцион ривожланиш жараёнлари, яъни модернизация - бу ислоҳотлар ва инновациялар орқали амалга ошириладиган доимий жараённинг бир тури, бу бугунги кунда постиндустриал жамиятга ўтишни англатади.

Ю.И.Семёновнинг эволюцион стадиал модернизация таълимоти маданий антропология классиклари А. Кроебер, Л. Уайт асарларида ҳам ўз заминига эга бўлган. Маданий антропологияда кўплаб анъанавий маҳаллий маданиятларнинг

эволюцияси асосан икки шаклда кўриб чиқилган:

1) нисбатан содда жамиятлардан тобора мураккаблашиб бораётган жамиятларга нисбатан прогрессив табиатнинг босқичма-босқич оқилона ривожланиши сифатида. Ушбу тушунча модернизация жараёнларининг классик тушунчаси билан ўзаро боғлиқдир.

2) ҳар хил турдаги маданиятларнинг кўп йўналишли ривожланиши сифатида. Иккинчи ҳолатда, модернizatsiya жараёнларининг ўзига хослиги ва натижада пайдо бўладиган замонавийлик вариантиларига кўпроқ эътибор қаратилади. Модернizatsiya замонавий тарихий жиҳатдан аниқланган турларни амалга ошириш сифатида қаралади.

Одатда модернизацияни амалга оширишда ташаббускор вазифасини бажарувчи сифатида давлат бу жараённи мувофиқ тарздаги концепциялар, стратегиялар, хуқуқий ва маъмурий ресурслар билан таъминлайди.

Мамлакатимизда модернизацияни амалга оширишда аксарият тадқиқотчиларнинг хулосасига кўра Ҳаракатлар стратегияси дастури жадаллашган модернизациянинг усули сифатида қабул қилинди. Бу усул мустақилликнинг иккинчи давридан бошлаб, айни тез самара берувчи механизмлар воситасида мамлакатимизнинг ижтимоий сиёсий тарихий социомаданий имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда изчил қўлланилмоқда. Шунинг учун ҳам “Ҳаракатлар стратегияси”нинг қабул қилинишини республикамизни модернизациялаш жараёнлари тарихидаги мутлоқ янгича босқич аниқроғи тубдан бурилиш ясовчи давр дея аташ мумкин.

“Ҳаракатлар стратегияси” I. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари; II. Конун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари; III. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари; IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари; V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлари деб номланган беш йирик йўналиш модернизациясини қамраб олади.

Ўзбекистонда янгиланаётган модернизацион жамиятнинг мезони сифатида фан тараққиётига алоҳида эътибор берилди. Юртимизда Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил этилиши модернизациянинг мазмун-маъносини ҳосил қилиб берувчи тизими ташкил этилгани ва бу мезоннинг кенг жорий қилинаётганлигидан далолат беради. Ушбу тузилма вазирлик тизимида юртимизда кечеётган кенг ислоҳотлар жараёнига илмий ёндашув асосида

ёндошиш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш соҳаларини мутаносиблаштириш, шунингдек, айни йўналишларда фаолият юритувчи ташкилот ва муассасалар ишларини ўзаро мувофиқлаштириш билан шуғулланади.

Президент Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йилнинг ноябрь ойида чиқарилган “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6108-фармони ҳам юртимиизда кечётган илм-фан орқали модернизациялаш сиёсатининг тадрижий давомийлигини кўрсатади. Ушбу фармон маълум маънода узлуксиз таълим дастурининг сифат жиҳатдан янги даражаси дейиш мумкин. Унга кўра “мамлакат тараққиёти учун янги ташаббус ва ғоялар билан майдонга чиқиб, уларни амалга оширишга қодир бўлган, интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак янги авлод кадрларини тайёрлаш, таълим ташкилотлари битирувчилари замонавий касб эгалари бўлишлари учун уларда зарур қўникма ва билимларни шакллантириш;

ХУЛОСА

Дунё миқёсидаги бугунги кескин рақобатга бардош бера оладиган миллий таълим тизимини йўлга қўйиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини замон талаблари асосида такомиллаштириш, уларнинг янги авлодини яратиш, ўқув дастурлари ва стандартларини оптималлаштириш” вазифалар халқ таълими бўғини билан олий таълимни боғлаб илм-фандан жамиятни янги даражаги олиб чиқиши учун асосий мезон сифатида фойдаланишни белгилаб беради. Чунки унда таъкидланишича “сўнгти йилларда мамлакатда таълим-тарбия тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш, боғча тарбияланувчилари, ўқувчи ва талаба ёшларда замонавий билим ва қўникмаларни шакллантириш, таълим тизимлари ҳамда илм-фан соҳаси ўртасида яқин ҳамкорлик ва интеграцияни, таълимнинг узвийлиги ва узлуклизигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда...шу билан бирга, миллий таълим-тарбия тизимининг амалдаги ҳолати уни замон талаблари асосида модернизация қилиш, ёшларни юксак билим-маърифат эгалари, жисмоний ва маънавий соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимлари нуфузини ошириш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этмоқда”.

Шу билан бирга янгиланаётган Ўзбекистоннинг замонавий тарих фалсафаси янги дунё тараққиётига миллий потенциални илм-фан асосида таъминлаган ҳолда интеграллашиш, тарихий хотира ва бугунги кун бунёдкорлиги руҳини бирлаштирган ҳолда модернизацион жамиятни

ривожлантиришдан иборат. Ўзбекистоннинг мустақиллик давридан кейинги Ўзбек модели ва Ҳаракатлар стратегиясидан иборат бўлган тараққиёт модели эволюцион-стадиал модернизацион модели кўринишида замонавий ривожланаёиган давлатларнинг интенсив ривожланиш йўлини таъминлаб беради.

REFERENCES

1. Семенов Ю.И. Философия истории от древности до наших дней: Общая теория, основные проблемы, идеи и концепции. —М: Современные тетъради, 2003.776 с.
2. Семёнов Ю. И. Нация // Словарь философских терминов. — М.: ИНФРА-М, 2004. — С. 350—352
3. Utamuradov, A., Khojiev, T., Isanova, G., & Khaytmetov, R. (2020). The Prospects of a New Template of the Modernization Uzbekistan. *Jour of of Adv Research in Dynamical & Control Systems*, 2(12), 2670-2676
4. Хожиев Т.Н. Модернизация назариялари эволюциясининг фалсафий-концептуал таҳлили. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси - Тошкент: Ўзбекистон, 2019. Б. 118.
5. Gafforova, G. G., Khaitmetov, R. K., & Madalimov, T. A. (2020). A STRATEGY OF ACTION AS A COMPLEX SYSTEM. International Scientific Journal Theoretical & Applied Science, 90(10), 448-452.
6. Құдратов, С. (2020). Ал-афғоний ва маслакдошларининг жамиятни ислох қилишдаги кўшган хиссалари. Academic Research in Educational Sciences, 1(1), 332-338.